

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2019 йил январь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Булоқбоши туман суди Булоқбоши тумани Боймаҳалла МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: И.Норматов

судья ёрдамчиси - Ш.Равшановнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Булоқбоши туман прокурорининг ўринбосари И.Шамсутдинов, судланувчиларнинг ҳимоячиси – адвокат Ф.И.Онинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б, в” бандлари билан [REDACTED] ни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан [REDACTED] ни айблаш ҳақидаги 1-1705-1801/81-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

1. [REDACTED] - 1973 йил 16 апрель куни Қирғизистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, фуқаролиги йўқ шахс, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Андижон вилояти, Жалақудук тумани, [REDACTED] яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

2. [REDACTED] - 1996 йил 30 сентябрь куни Андижон вилояти, Хўжаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, саводсиз, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Андижон вилояти, Жалақудук тумани, [REDACTED] да яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ф.И.О ва Ф.И.Олар бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, белгиланган тартибни бузиб чегарадан ўтиш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасдан содир қилганлар.

Жумладан, Ф.И.О бошқа шахслар (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган*) билан олдиндан тил бириктириб, Қирғизистон Республикасида яшовчи онаси Ф.И.Они олдида бориш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган ”Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби” қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Фуқароларни ўзаро келиб кетишлари тўғрисида”ги битимнинг 8-моддаси, яъни “Мазкур битим кучи амал қиладиган иккала томон давлатлари фуқаролари томонлардан бири давлат ҳудудларига давлат чегарасини кесиб ўтиш учун мўлжалланган ўтказиш пунклари орқали киришлари, чиқишлари ва транзит ўтишлари мумкин. Ушбу ҳолда томонларнинг миллий қонунчилигига кўра, давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибларига риоя қилиниши керак” деган талабларини бузиб, 2018 йил 18 июль куни бошқа шахсларнинг ёрдамида Марҳамат тумани, Дўстлик МФЙ, Айжувоз кўчасидаги 4-Ўқчи чегара постига қарашли “Бақироқ” кўриқлов ҳудуди бўйлаб тортилган чегара сим тўсиқлари орқали қонунга хилоф равишда Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтган.

Ф.И.О Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри Ўнадир қишлоғидаги онаси Ф.И.Онинг уйида 2018 йил 27 июлга қадар яшаб келиб, ўзининг яшаш хонадонига қайтиш мақсадида, Ф.И.О ва бошқа шахслар (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган*) билан олдиндан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган ”Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби” қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Фуқароларни ўзаро келиб кетишлари тўғрисида”ги битимнинг 8-моддаси, яъни “Мазкур битим кучи амал қиладиган иккала томон давлатлари фуқаролари томонлардан бири давлат ҳудудларига давлат чегарасини кесиб ўтиш учун мўлжалланган ўтказиш пунклари орқали киришлари, чиқишлари ва транзит ўтишлари мумкин. Ушбу ҳолда томонларнинг миллий қонунчилигига кўра, давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибларига риоя қилиниши керак” деган талабларини бузиб, 2018 йил 27 июль куни бошқа шахслар ёрдамида Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Аравон тумани Тепакўрғон қишлоғининг Марҳамат тумани Дўстлик МФЙ Айжувоз кўчаси билан чегарадош қисмидаги чегара сим тўсиқлари

орқали Ўзбекистон худудига ўтган вақтда чегара ҳарбий хизматчилари томонидан ушланганлар.

Судланувчи Ф.И.О судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам у, 2018 йил 18 июль куни ишлаб пул топиш мақсадида Қирғизистон Республикасида яшовчи онаси Ф.И.Онинг олдида бормоқчи бўлганлигини, шу мақсадда Қирғизистон Республикасида яшовчи Бахтиёр исмли танишига телефон қилиб, айланма йўллар билан Қирғизистонга ўтишга ёрдам бера оладиган танишлари бор-йўқлигини сўраганлигини, у унга қирғизистонлик “Дунё” исмли аёлнинг телефон рақамини берганлигини, сўнг у Дунё исмли аёлга телефон қилиб, айланма йўллар билан Қирғизистон Республикаси худудига ўтиши кераклигини айтганлигини, у унга чегарадан ўтишига ёрдам беришини, эвазига 600.000 сўм пул беришини айтганлигини, у унинг таклифига рози бўлганлигини, Дунё унга соат 20:00 ларда Булоқбоши тумани Кулла ҚФЙ марказига келиб туришини, унинг олдида икки нафар шериклари келиб, уни чегарадан ўтказиб қўйишларини айтганлигини, шу тариқа у 2018 йил 18 июль куни соат 20:00 ларда Булоқбоши тумани Кулла ҚФЙ марказига келиб, Дунё исмли аёлга телефон қилганлигини, соат 21:00 ларда унинг олдида икки нафар шахслар келиб, Марҳамат тумани Дўстлик МФЙ Айжувоз кўчасидаги чегарага олиб келишганлигини, улар уни аввал чегара бўйлаб қазилган чуқурдан олиб ўтиб, сим тўсиқлари олдида олиб боришганлигини, Дунё улар томонга чироқ ёқиб чегарадан ўтиш жойини кўрсатиб турганлигини, уни чегарага олиб борган шахслар сим тўсиқларини кўтариб туришганлигини, у эса сим тўсиқлари орасидан Қирғизистон Республикаси худудига ўтиб олганлигини, сўнг Дунё уни чегара яқинидаги уйига олиб кирганлигини, у ерда у унга келишилган 600.000 сўм пулларни берганлигини, Дунё эса такси чақириб уни Ўш шаҳри Ўнадирлик қишлоғида яшовчи онасининг уйига кузатиб қўйганлигини, у онасининг уйда яшаб икки кун давомида ёлланма иш билан шуғулланганлигини, лекин касал бўлиб, даволанганлигини, сўнг уйига қайтиш мақсадида Дунё исмли аёлга телефон қилганлигини, у унга 6000 қирғиз сўми эвазига чегара сим тўсиқлари орқали Ўзбекистон худудига ўтказиб қўйишини айтганлигини, у рози бўлиб, 2018 йил 27 июль куни онасидан 5000 қирғиз пулларини олиб, Дунёнинг уйига келганлигини, у ерда Дунё унга Ф.И.Они таништириб, чегарадан бирга ўтиб кетишларини айтганлигини, сўнг шу куни соат 22:30 ларда уларни чегара сим тўсиқлари олдида олиб борганлигини, Дунё чегара сим тўсиқларини қўллари билан кўтариб турганлигини, улар сим тўсиқлари орасидан Ўзбекистон томонга ўтишганлигини, чегарадаги чуқурга тушишганида уларнинг олдида чегара ҳарбий хизматчилари келиб, уларни ушлашганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ф.И.О судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам у, 1996 йилда Хўжабод туманида туғилганлигини, 2006 йилда онаси Ф.И.О отаси Ф.И.О билан ажрашганлигини, 2009 йилда онаси Ф.И.О Қорасув шаҳридаги уйини сотганлигини, у онаси Ф.И.О билан белгиланган тартибда Қирғизистон Республикасига ўтиб, Ўш вилояти Қорасу тумани Савай

кишлоғида яшай бошлашганлигини, лекин кейинчалик 2016 йилда онаси рухий касалликка чалинганлигини, 2017 йил 26 февраль куни у Нурбек исмли Қирғизистон фуқаросига турмушга чиққанлигини, 2018 йил 6 февраль куни улар ўғил фарзандли бўлишганлигини, 2018 йил июль ойида турмуш ўртоғи ишлаб пул топиш мақсадида Россия Федерациясига кетганлигини, шунда у ҳам Россия Федерациясига бориш учун Ўзбекистон фуқаролиги паспортини олишни мақсад қилганлигини, 2018 йил 25 июль куни Ўш вилояти Аравон туманига келиб, у ерда Отабек исмли шахс билан танишганлигини, унга Ўзбекистон ҳудудига айланма йўллар билан ўтишга ёрдам бера оладиган танишлари бор-йўқлигини сўраганида, у Дунё исмли қариндоши борлигини, у уни чегарадан ўтказиб қўйиши мумкинлигини айтиб, уни Дунё исмли аёлнинг уйига олиб борганлигини, Дунё исмли аёл унга 6000 қирғиз сўми эвазига уни чегара ўтишида ёрдам беришини айтганлигини, у рози бўлиб, Ўш вилояти Аравон туманидаги уйига қайтиб борганлигини, уйдаги рўзгор буюмларини сотиб, 2018 йил 27 июль куни Дунёнинг уйига қайтиб бориб, унга 6000 қирғиз сўмини берганлигини, Дунё унга Ф.И.О исмли аёлни таништириб, чегарадан бирга ўтишларини айтганлигини, сўнг шу куни соат 22:30 ларда уларни чегара сим тўсиқлари олдида олиб борганлигини, Дунё чегара сим тўсиқларини қўллари билан кўтариб турганлигини, улар сим тўсиқлари орасидан Ўзбекистон томонга ўтишганлигини, чегарадаги чуқурга тушишганида уларнинг олдида чегара ҳарбий хизматчилари келиб, уларни ушлашганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Ф.И.О дастлабки терговда, ҳақиқатан ҳам у, Булоқбоши тумани 9253-сонли ҳарбий қисм “4-Ўқчи” чегара постида шартнома асосида хизмат қилиб келаётганлигини, 2018 йил 27 июль куни у Ф.И.О билан чегаранинг “Бақирок” кўриқлов ҳудудида хизмат олиб бораётганида соат 22:40 ларда улар ҳаракатланаётган жойдан 300-400 метр узоқликда Қирғизистон Республикаси томондан икки нафар аёл ва ёш боланинг йиғиси эшитилганлигини, сўнг улар чегара яқинига боришганида икки нафар аёлларни Қирғизистон Республикаси ҳудудида томондан чегара сим тўсиқларидан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудига ўтиб келаётганлигини кўриб, уларни ушлаб, хатар гуруҳига топширишганлигини баён қилган.

Гувоҳ Ф.И.О дастлабки терговда гувоҳ Ф.И.Ога ўхшаш кўрсатма берган.

Гувоҳ Ф.И.О судда, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, ҳақиқатан ҳам у, 2018 йил 6 август куни ДХХ ходимларининг таклифи билан улар томонидан ўтказилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши тергов ҳаракатида холис сифатида иштирок этганлигини, тергов ҳаракатлари давомида уларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, Ф.И.О ва Ф.И.Олар 2018 йил 27 июль куни Қирғизистон Республикасидан чегара сим тўсиқлари орқали Марҳамат тумани Дўстлик МФЙ Айжувоз кўчаси ҳудудига ўтаётганида чегара ҳарбий хизматчилари томонидан ушланишганлигини маълум қилишганлигини, шундан сўнг тергов ҳаракати иштирокчилари Марҳамат тумани Дўстлик МФЙ Айжувоз кўчасининг Қирғизистон

Республикаси ҳудуди билан чегарадош қисмига боришганлигини, у ерда Ф.И.О ва Ф.И.Олар чегара сим тўсиқлари орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтган жойларини кўрсатишганлигини, тергов ҳаракатлари баённомада расмийлаштирилиб, улар томонидан имзоланганлигини баён қилди.

Гувоҳ Ф.И.О судда, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, гувоҳ Ф.И.Ога ўхшаш кўрсатма берди.

Судланувчи Ф.И.О ва Ф.И.Оларнинг содир этган жинояти, уларнинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, гувоҳ Ф.И.О ва Ф.И.Оларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмалари, гувоҳ Ф.И.О, Ф.И.О ва Ф.И.Оларнинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари билан, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини бузилиши ҳақидаги баённомалар билан (и.в.5-6), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, чизма билан (и.в.14-18), ҳужжатларни кўздан кечириш ҳақида баённома билан (и.в.41-42), тушунтириш хатлари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи Ф.И.О ва Ф.И.Оларнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Ф.И.О ва Ф.И.Оларнинг бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, белгиланган тартибни бузиб чегарадан ўтишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан, тўғри квалификация қилинган.

Чунки, иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ф.И.О бошқа шахслар (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган*) билан олдиндан тил бириктириб, Қирғизистон Республикасида яшовчи онаси Ф.И.Они олдида бориш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби” қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Фуқароларни ўзаро келиб кетишлари тўғрисида”ги битим талабларини бузиб, 2018 йил 18 июль куни бошқа шахсларнинг ёрдамида Марҳамат тумани, Дўстлик МФЙ, Айжувоз кўчасидаги 4-ўқчи чегара постига қарашли “Бакироқ” кўриқлов ҳудуди бўйлаб тортилган чегара сим тўсиқлари орқали қонунга хилоф равишда Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтган. Ф.И.О Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳри Ўнадир қишлоғидаги онаси Ф.И.Онинг уйида 2018 йил 27 июлга қадар яшаб келиб, ўзининг яшаш хонадонига қайтиш мақсадида, Ф.И.О ва бошқа шахслар (*жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган*) билан олдиндан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби” қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2006 йил 3 октябрдаги “Фуқароларни ўзаро келиб кетишлари тўғрисида”ги битим талабларини бузиб, 2018 йил 27 июль куни бошқа шахслар ёрдамида Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Аравон тумани Тепақўрғон қишлоғининг Марҳамат тумани Дўстлик МФЙ Айжувоз кўчаси билан чегарадош қисмидаги чегара сим тўсиқлари орқали Ўзбекистон ҳудудига ўтган вақтда чегара ҳарбий хизматчилари томонидан ушланганлар.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан Ф.И.Онинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, қуйидаги асосларга кўра, нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддасига кўра, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Суд, судланувчи Ф.И.Онинг ҳаракатларида белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш жинояти бўйича такроранлик аломатлари йўқ деб ҳисоблайди ва унинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “в” бандини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги; Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, Қарорнинг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида

назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилиб:

-судланувчи Ф.И.Ога нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини инobatга олиш билан бирга, унинг яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, содир этилган жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлигини ҳамда жазони энгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-судланувчи Ф.И.Онинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди бўлиб, унинг ягона боқувчиси эканлигини, доимий яшаш жойи йўқлигини, дастлабки тергов ва судда тўғри кўрсатма бериб, жиноятни очилишида фаол ёрдам берганлигини инobatга олиб, судланувчи ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасини қўллаб, уни тайинланиши лозим бўлган жазодан озод қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-474, 476-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони мазкур турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Андижон вилояти Жалақудук туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

_____га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

2. _____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбли деб топилсин.

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

_____га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкумлар эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

И.Норматов

нусхаси аслига тўғри: